Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 52 (503) 2021 йил 2 июль, жума

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 1 июль куни давлат активларини хусусийлаштириш соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Хусусийлаштириш – муҳим иқтисодий тадбирлардан бири. Бу нафақат бюджетга тушумни таъминлайди, балки янги инвестиция лойиҳалари, иш ўринлари ва қўшилган қиймат учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Чунки тадбиркорлик ривожи учун энг зарур шароит, аввало, ер, бино ва инфратузилмадир.

Шу боис хусусийлаштириш масаласи иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган. Жорий ва келгуси йилда давлат улуши бўлган корхоналар сонини камида 3 баробар қисқартириш бўйича иш олиб борилмоқда. Бу ислоҳотлар дунёдаги нуфузли экспертлар ва оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

2020 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинган эди. Бу борадаги ишлар ўз самарасини бериб, жорий йилнинг биринчи ярмида 478 та давлат мулки 1 триллион 100 миллиард сўмга сотилди.

Лекин бу борада қилинадиган ишлар ҳали кўп. Хусусан, сотилиши белгиланган 556 та мулкдан 288 таси савдоларга чиқарилмаган. Шунингдек, давлат корхоналари ва банклар ихтиёрида уларнинг асосий фаолиятига хос бўлмаган 511 та объект ҳалигача сотилмасдан турибди.

Йиғилишда хусусийлаштириш жараёнини самарали ташкил этиш, аукционда қатнашиш тартибларини соддалаштириш ва иштирокчилар сонини кўпайтиришга қаратилган вазифалар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, жорий йилда 900 дан ортиқ давлат мулки сотувга қўйилади. Энди давлат мулкларини “1 сўм” қийматда савдога чиқариш, ер участкаларини инвестиция мажбурияти билан сотиш амалиёти бекор қилинади ва улар бозор баҳосида электрон савдоларга чиқарилади.

Бундан ташқари, онлайн аукционда қатнашиш учун тўловлар бекор қилинади ва тадбиркорларга электрон рўйхатдан ўтиш харажатлари Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан қоплаб берилади. Аукционда мулкни сотиб олганда тўлов муддати ҳозирги 5 кундан 15 кунгача узайтирилади.

Бундан буён давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотларнинг бино-иншоотлари, транспорт воситаларини сотиш ва ижарага беришни фақат электрон аукцион орқали амалга ошириш тартиби жорий этилади.

Мутасаддиларга ушбу янги тартибларни назарда тутувчи қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш топширилди.

Тошкент шаҳридаги 13 та йирик кўчмас мулк объекти ҳамда 11 та тармоқ корхоналаридаги давлат улушларини хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда сотувга чиқариш зарурлиги таъкидланди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига ўз ваколатидаги 154 та бўш турган объектни бир ой муддатда савдога чиқариш вазифаси қўйилди.

Ҳокимликлар томонидан сотувга чиқарилган мулклар сотилганда, ҳудудлар ихтиёрида қоладиган маблағлар улуши 73 фоиздан 87 фоизга ошириладиган бўлди. Бу маблағлар вилоят ва туманлар (шаҳар) бюджетлари ўртасида тенг тақсимланади.

Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат корхоналари ҳамда банкларнинг асосий фаолиятга хос бўлмаган ва бўш турган объектларни тўлиқ қайтадан хатловдан ўтказиб, уларни хусусийлаштиришга тайёрлаш бўйича топшириқ берилди.

Фаолият юритмаётган ёки зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

**ЎзА.**

## Тиббиётни ривожлантиришга қаратилган муҳим ҳужжат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Н. И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ташкил этилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизими ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш учун муҳим илмий-амалий муаммоларни ҳал қилишга қодир юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлашга ихтисослашган мазкур муассасаси таълим фаолиятини 2022/2023 ўқув йилидан бошлайди.

Филиалда таълим беришга ва илмий фаолиятга хорижий ҳамда маҳаллий профессор-ўқитувчилар жалб қилинади.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент давлат стоматология институти ҳудудида янги ташкил этилаётган кўп тармоқли клиника филиалнинг асосий клиник базалари сифатида белгиланди.

## Шу куннинг гаплари

Сергели туманидаги Кичик ҳалқа йўли ва Салар канали устида узунлиги **788** метр, чиқиш-тушиш қисми билан ҳисоблаганда **950** метр кўприкни бунёд этиш давом этмоқда.

Жаҳон банки томонидан магистрал электр тармоқ подстанцияларини модернизация қилиш ва тизим фаолиятини рақамлаштириш бўйича **380 млн** доллар кредит ажратилади.

Андижоннинг Избоскан тумани ҳокимлиги ташаббусига кўра, **25** нафар фуқароларнинг уй-жойлари учун қурилиш ашёлари тарқатилди.

Лойиҳа қиймати **1,134 млрд** сўм бўлган Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг янги биноси Элликқалъа туманида фойдаланишга топширилди.

Гулистон қурилиш коллежи ҳузуридаги Қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш марказида ўқув курсини тугатган битирувчиларга **сертификатлар топширилди.**

БМТ тараққиёт дастури ва Глобал экология жамғармаси билан ҳамкорликда Тошкентда “кўк” транспорт йўлаги ташкил этиш учун **20 та электробус харид қилинади.**

2 июль – Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қабул қилинган кун

## ДАВЛАТ ГЕРБИ – МУСТАҚИЛЛИК ТИМСОЛИ


**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**


**1992 йил 2 июль куни “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзидир.**

Бугун ушбу муқаддас рамзни каттаю кичик бирдек қадрлайди. Унда жонажон Ўзбекистонимизнинг том маънодаги асл тасвирини кўради. Гербимизга ҳар бир ҳамюртимиз алоҳида эҳтиром билан муносабатда бўлиши мамлакатимизда эзгу қадриятга айланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби. Пурвиқор тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб турибди. Бу эса ўхшаши йўқ диёримиз мафтункорлигига ўзига хос ишорадир. Гербнинг юқори қисмида республика ҳурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Рамз марказида бахт ва эрксеварлик рамзи – қанотларини ёзган Ҳумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида “O‘zbekiston”, деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишида Ҳумо қуши ва дарёлар – кумуш рангида, қуёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва “O‘zbekiston” ёзуви – олтин рангида, ғўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий – яшил рангда, чаноқлардаги пахта – оқ рангда, лента – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангларини акс эттирувчи уч хил рангда, саккизбурчак – олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво, ярим ой ва юлдузлар – оқ рангда тасвирланган.

“Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳлари, Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, республика давлат бошқаруви органлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Марказий банк, Ҳисоб палатаси, Марказий сайлов комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, судлар, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари биноларининг олд томонига жойлаштирилган.




Герб тасвири муҳрларда ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрларда, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғозлар ва фуқаролик паспортида, қонунда белгиланган бошқа ҳужжатларда акс эттирилган.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро давлат рамзлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербига ҳурмат билан муносабатда бўлиши қонунчилик билан белгилаб қўйилган. Давлат рамзларига бўлган ҳурмат мамлакатимизда мактабгача таълим масканлари ҳамда мактабларда ёш авлод онгига сингдирилади. Бу эса улғайиб келаётган ўғил-қизларда ўзи туғилиб ўсган юрт тақдири учун дахлдорлик, ватанпарварлик, фидойилик, Ватан учун чексиз фахр ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

2 июль – Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ҳақидаги қонун қабул қилинган кун муносабати билан жойларда белгиланган тадбирлар кенг миқёсда, кўтаринки руҳда, юқори савияда ўтказилиши режалаштирилган. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги каби ташкилотлар ҳамкорлигида “Давлат герби – мустақиллик тимсоли!” шиори остида маърифий тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган. Уларда таниқли олимлар, ёзувчилар, шоирлар, маданият ва санъат намояндалари, эстрада хонандалари, Миллий гвардия, Мудофаа вазирлигининг ҳарбий оркестрлари иштирок этиши кутилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остида ўтказилаётган “Маънавият фестивали” доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун муносабати билан маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

Ушбу санага бағишлаб телемарафонлар, Давлат гербининг аҳамияти, уни улуғлашга қаратилган интерфаол маданий-маърифий тадбирлар, флешмоблар, анжуманлар бўлиб ўтади. Буларнинг барчаси Давлат гербининг аҳамиятини ёш авлод онгига янада мустаҳкам сингдириш, уларни улуғ аждодларимизга муносиб, юртпарвар инсонлар этиб камолга етказишдек мақсадларга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.




## “ИШГА МАРҲАМАТ” мономаркази очилди


**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.


**Аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш устувор масалага айланган.**

Шу мақсадда Қарши шаҳрида банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи “Ишга марҳамат” мономаркази ўз фаолиятини бошлади.

Марказнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Ҳусанов, Қашқадарё вилояти ҳокими Зойир Мирзаев ва бошқалар бугунги кунда аҳолининг ишсиз қатлами бандлигини таъминлаш масаласига ҳукумат даражасида эътибор қаратилаётгани ва бунинг учун жойларда ишсиз фуқароларни ҳунарга ўргатиш бўйича барча шароитга эга марказлар фаолияти йўлга қўйилаётганини таъкидлаб ўтди.

Ушбу марказни ташкил этиш учун Қарши шаҳридаги саноат касб-ҳунар коллежи биноси лойиҳа асосида 16 миллиард сўм маблағ эвазига капитал реконструкция қилинди. Қўшимча тартибда мономарказ Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан меҳнат бозорида талаб юқори бўлган 10 та ўқитиладиган касблар бўйича замонавий жиҳозлар билан таъминланди.


2-бет


Қонунчиликни билинг

## Шаҳарсозлик кодексининг 33-моддаси нима ҳақида?



**33-модда.** Қурилиш материалларига, буюмларига ва конструкцияларига қўйиладиган талаблар, уларни шаҳарсозлик ҳужжатларига киритиш шартлари.

Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бериши керак.

Шаҳарсозлик ҳужжатларида қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг хавфсизлик кўрсаткичлари қайд этилади.

Шаҳарсозлик ҳужжатларида қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари қурилишнинг техник-иқтисодий асослари ҳамда лойиҳа ечимларининг талабларидан келиб чиққан ҳолда танлаб олинади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№52 (503) 2021 йил 2 июль

# 23 турдаги маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
ЎзА мухбири.

**Бугунги кунда “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти тармоқ корхоналарининг маҳаллийлаштириш дастурларини шакллантиришда асосий эътибор иқтисодиётнинг базавий тармоқлари ва ҳудудларда импорт ўрнини босувчи ҳамда ички ва ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилмоқда.**

Буни 2020 йил мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, республикамизга кириб келаётган кимёвий маҳсулотлар импортини қисқартириш ҳисобига жамият корхоналари томонидан 23 турдаги 965,48 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган эди. Амалда йил якуни бўйича 23 турдаги 1 342,8 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бу режага нисбатан 139,1 фоизни ташкил этди. Шундан 22,91 миллион долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

Унда “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Жўрабек Мирзамаҳмудов, Тошкент кимё технология илмий-тадқиқот институти директори Абдулаҳад Жалилов ва бошқалар жамият томонидан маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган ишлар таҳлилига эътибор қаратар экан, тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилиши маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар бўйича республикамиз корхоналари билан кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда импортни қисқартиришга эришиш мумкинлигини қайд этди.

– Шу сабабли, мамлакатимизга импорт асосида кириб келаётган кимёвий маҳсулотлар доимий таҳлил қилиб борилмоқда, – деди Жўрабек Мирзамаҳмудов. – Тармоқ корхоналари мутахассислари республикамиз илмий-тадқиқот институтлари олимлари билан ҳамкорликда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни маҳаллийлаштириш борасида доимий изланиш олиб бормоқда. Аввало, “Ўзкимёсаноат” АЖ тармоқ корхоналарининг маҳаллийлаштириш дастури ижросини таъминлашда иқтисодий-базавий тармоқлар ва ҳудудларда импорт ўрнини босувчи, ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган маҳсулотлар таҳлил қилинади. Таҳлил асосида лойиҳалар ишлаб чиқилади. Бугунги кунда талаб ва таклифлар асосида дастур доирасида 17 турдаги маҳаллийлаштирилган маҳсулот тўлиқ маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқарилди. Саноат кооперацияси доирасида 2020 йилда жами 7 турдаги 592,5 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Хусусан, тоғ-кон саноати учун 2,01 минг тонна тиомочевина, 37,1 минг тонна натрий циан тузи, 5,2 минг тонна модификацияланган ғовакли селитра, шиша саноати учун 4,7 минг тонна натрий нитрати, лак-буёқ саноати учун 800 тонна этилацетат, халқ хўжалиги ва саноат сувларини тозалаш соҳаси учун 54,6 тонна учламчи натрий фосфати кабиларни мисол қилиш мумкин.

Анжуманда жамиятнинг жорий йилги маҳаллийлаштириш дастури доирасида бажариладиган ишлари бўйича ҳам сўз юритилди.

– 2021 йилда “Ўзкимёсаноат” АЖ корхоналарида 26 турдаги 1 467,1 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Жорий йилнинг январь-май ойларида 25 турдаги 544,1 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган бўлса, амалда 24 турдаги 715,6 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб , шундан 12,32 миллион долларлик маҳсулот экспортга ва 779,6 миллиард сўмлик маҳсулот ички бозорга реализация қилинди, – деди жамият бошқаруви раиси Жўрабек Мирзамаҳмудов.

Тадбир давомида биринчи ярим йиллик, йил якунлари бўйича режа ва кўрсаткичлар маълум қилинди. Жорий йилда “Ўзкимёсаноат” АЖ тармоқ корхоналарининг импортини қисқартириш мақсадида ўз эҳтиёжлари учун 6 турдаги 9,91 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, 2021-2026 йилларга мўлжалланган маҳаллийлаштириш дастури шакллантирилаётгани юзасидан ҳам атрофлича маълумот берилди.



# “ИШГА МАРҲАМАТ” мономаркази очилди



1-бет

Мономарказда 32 та йўналишда касбга тайёрлаш, хорижий тиллар, рақамли технологиялар ва тадбиркорликни ўргатиш курслари ташкил этилади. Ушбу маскан йилига 2 790 нафар кишини касбга тайёрлаш ва ўқитиш имконияти эга.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда 843 нафар ишсиз ва иш қидираётган шахслар мономарказда ташкил этилган касбга тайёрлаш ўқув курсларига касб-ҳунар ўрганиш учун мурожаат қилган. Шунингдек, 76 нафар фуқаро хорижий тиллар, 124 нафари рақамли технологияларни ўргатиш ва 27 нафари тадбиркорлик асосларини ўрганиш курсларида ўқиш истагини билдирган.

Мономарказда 2021 йилда иш қидирувчи, ташкиллаштирилган тартибда хорижий меҳнат миграциясига кетмоқчи бўлган фуқаролар, нодавлат ўқув марказлари битирувчилари ва бошқа аҳоли тоифалари учун WorldSkitis стандартлари асосида 10 ишчи касблар бўйича касбий малакани баҳолаш маркази ташкил этилади. Касбий малакани баҳолаш марказида ишчиларга малака разрядини ва мутахассисларга малака тоифасини бериш бўйича ўтказилган имтиҳонларни муваффақиятли топширганларга диплом ёки сертификат билан бирга WorldSkitis малака паспорти берилади.

Қарши шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази Россия халқлар дўстлиги университети (РУДН), “Молодые профессионалы (WorldSkitis Russia)” иттифоқи ҳамда бошқа таълим ва касбий малакани баҳолаш муассасалари билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини касб-ҳунарга ва рус тилига ўқитилишини ташкил этишда ҳамкорлик ўрнатилади. Жумладан, мономарказда Россия халқлар дўстлиги университети томонидан касб-ҳунар ва рус тилини ўргатиш ўқув курслари ташкил этиш учун алоҳида ўқув хонаси ажратилган.

Бундан ташқари, Бирлашган Араб Амирликлари, Япония ва Жанубий Корея давлатларидаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда араб, корейс ва япон тилларини ўргатиш курсларини ташкил этиш режалаштирилган.

Эндиликда аҳолининг ишчанлик фаоллигини ошириш, камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, шу асосда уларни доимий даромад келтирадиган фаолиятга жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш мақсадида бу каби мономарказлар вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этилади.



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

# Энди улар малакали бинокор

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кейинги йилларда халқимиз орасида “меҳнат муҳожирлари” деган атама пайдо бўлди. Хорижий мамлакатларда ишлаб, пул топаётганларни шундай аташади.**

Албатта, улар орасида ҳунарни пухта эгаллаган, тажрибали инсонлар йўқ эмас. Шу билан бирга ҳеч қандай касб-кори йўқлар ҳам борлиги сир эмас. Эндиликда ана шундай ҳолатларга барҳам бериш, чет элдаги ватандошларимизга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бунинг учун нима қилиш керак? Биринчи навбатда замонавий, меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касб эгаси бўлиши талаб этилади. Хусусан, қурилиш соҳасида малакали пайвандчи, дурадгор ёки моҳир ғишт терувчига ҳамиша талаб катта. Борадиган мамлакатнинг тилини пухта ўзлаштирса, нур устига, аъло нур.

Чуст туманидаги 1-касб-ҳунар мактабида ташкил этилган қурилиш соҳаси учун малакали мутахассислар тайёрлаш ўқув маркази ана шу мақсадда фаолият бошлаганди. Унинг дастлабки битирувчиларига сертификатлар топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар вақтинча ишсизларни касбга йўналтириш бўйича хайрли ишлар бошланганлигини таъкидлашди.

Чустдаги марказнинг ташкил этилгани айни муддао бўлди. Унинг бино ва иншоотларни таъмирлаш, моддий-техника базасини шакллантириш учун 13 млрд сўм маблағ сарфланди. Марказда машғулотлар олиб бориш учун малакали устозлар жалб этилди. Улар тингловчиларга замонавий услубда, интерфаол усулда сабоқ беришди. Уч ой мобайнида 262 киши 12 турдаги қурилиш соҳаси касбларига ўқитилди.

– Жиянларимдан бири ушбу марказда таълим олди, – дейди меҳнат фахрийси Анвар Муродов. – У пайвандчилик касбини пухта эгаллади. Рус тилини қандай ўзлаштирганини ҳам ўзим синовдан ўтказдим. Ўз фикрини бемалол баён этмоқда.

Курс битирувчиларининг дастлабки гуруҳи Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ёрдамида тузилган шартнома асосида Россия Федерациясининг Амур вилоятига жўнаб кетди.

Фарғонадан дараклар

## Битирувчиларга сертифакатлар топширилди

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Марғилон шаҳридаги малакали қурилиш мутахассисларини тайёрлаш марказининг 165 нафар битирувчиларига сертифакатлар топширилди.**

Марказда 8 турдаги йўналишлар бўйича таҳсил олган ёшлар 3 ойлик ўқув курсларини якунлади.

Битирувчиларга сертификатлар топшириш маросимида “Шарқий” ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, вилоят Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси, Марғилон шаҳар ҳокимлиги ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

## МФЙларга янги бинолар

**Фарғона шаҳридаги “Шаршара”, Фурқат туманидаги “Қўқонбой”, “Калдушан”, Учкўприк туманидаги “Чорбоғ” МФЙлари учун барча қулайликларга эга бўлган кўркам бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Шу куни республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун тикув машиналари хайрия сифатида совға қилинди.

## 25 та оилавий нодавлат МТТ иш бошлади

**Фурқат туманида 9 961 нафардан зиёд мактабгача таълим ёшидаги болалар бор.**

Айни кунларда туманда фаолият олиб бораётган 51 та давлат, 4 та давлат хусусий шериклик асосидаги, 66 та оилавий нодавлат МТТларнинг қамров кўрсаткичи 78,5 фоизни ташкил этган бўлса, куни кеча яна 25 та МТТнинг ишга туширилиши билан бу кўрсаткич 85 фоизга етди ёки 625 нафар болалар ўз тарбия масканига эга бўлди.

Чиркай, Қулбобо, Капа қишлоқларидаги оилавий нодавлат МТТларининг очилиш маросимида жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Ҳомийлар томонидан болажонларга совғалар тарқатилди. Меҳмонлар дилбандлар учун яратилган шароитлар билан танишди.

## Хусусий клиника очилди

**Риштон туманида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратиб келинмоқда.**

Куни кеча туман марказида яна бир янги тиббиёт муассасаси – “Roshidon medikal center” хусусий клиникаси ўз фаолиятини бошлади. Марказ замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

# “Камчилик”лар тугатиляпти

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Янги Ҳаёт туманининг Марҳамат маҳалласида “Future growth” МЧЖ томонидан 66-оилавий поликлиника биносининг қурилиши якунланди. Ўттиз беш минг аҳолига мўлжалланган поликлиника янги маҳаллаларнинг янги қўноқлари учун мустақиллик байрами арафасида муносиб совға бўлади.**

Султонали кўп қаватли уй деразасидан аланглаб, пастда тўрвасини кўтариб турган Ғуломга ўдағайлади.

– Ҳа, қўшни, кўч-кўронни йиғиштирибсиз, Марҳаматдан кетяпсизми?

Ғулом панжасини пешонасига қадаб Султоналига мўралади.

– Кетсак кетгулик, ака. Соғлиқда озроқ муаммо бор, қўшни тумандаги шифохонага ётмоқчиман.

– И-е, Ғуломжон, хабарингиз йўқми? Бизнинг Марҳаматда ҳам янги поликлиника қурилди. Ҳадемай ишга тушади. Сиз шошманг, шифохона очилсин, бирон кун кутсангиз ёғингиз қочмайди. Уйга яқин, қўни-қўшнига яқин бўласиз!

Ғулом манглайидан панжасини туширди. Сўз қўшишга унамади. Бир четдаги ўриндиққа чўкди. Сўғин деди:

– Ростанми, ака? Заб иш бўларди унда...

Янги Ҳаёт тумани Тошкент шаҳрининг энг йирик маъмурий бирликларидан ҳисобланади. Ҳудуднинг ташқи қиёфаси бутунлай ўзгарди. Ҳозирда ушбу туман пойтахтнинг асосий турар жой қурилишлари марказидир. Ўтган йилларда ҳудудда қурилган янги аҳоли пунктларининг “камчилик”ларидан бири, шубҳасиз, поликлиникалар эди. Эндиликда бу ерда кўплаб шифохоналар ўз фаолиятини бошлаш арафасида. Хусусан, туманнинг Марҳамат маҳалласида ҳам янги поликлиника қурилиши тугатилди.

– Пойтахтимиздаги янги маҳаллаларнинг асосий муаммоларидан бири, поликлиникаларнинг камлиги эди, – дейди “Марҳамат” МФЙ раиси Бахтиёр Мирзақулов. – Маҳалламиз учун янги поликлиника қуриб битказилди ва тез орада фаолиятини бошлайди. Ҳозир шифо масканига зарурий тиббий асбоб-ускуналар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Тиббиёт масканида бир вақтнинг ўзида олтмишга яқин беморнинг ётиб даволанишлари мумкин бўлади. Тиббий хизматнинг барча йўналишларини қамраб олган поликлиника яқин атрофдаги 8 та маҳалла фуқароларига хизмат кўрсатади.

# Давлат хизматлари халқ хизматида

**Ҳилола ИСМАТОВА,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Давлат хизматлари агентлиги Навоий вилояти бошқармасида жорий йил 2-чорак якунлари муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.**

Унда ДХА Навоий вилояти бошқармаси ва туман (шаҳар) марказларида фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар сифати, онлайн хизмат кўрсатиш, 130 та хизмат турининг 150 тага ошгани, йил якунига қадар хизматлар турининг 200 тага, онлайн хизматлар олиш эса 60 тага кўпайтирилиши каби масалалар ҳақида сўз борди.

Тадбирда бошқарма бошлиғи Беҳзод Сафаров 2021 йилнинг 2-чорагида амалга оширилган давлат хизматлари кўлами хусусида ОАВ вакилларига маълумотларни очиқлади. Ушбу даврда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 170 000 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилган. Шундан 10 мингтаси электрон тарзда онлайн амалга оширилган бўлса, 34 мингтаси сайёр тартибда аҳоли билан юзма-юз учрашувлар орқали ташкил этилган. Таъкидланишича, энг кўп мурожаат қилинган хизмат тури МТТга жойлаштириш, СТИР аниқлаш, пенсия (нафақа) ҳақида маълумот олиш эканлиги айтиб ўтилди.

Маълумки, давлат хизматлари марказлари турли ташкилот ва идораларнинг электрон базаларига интеграция қилинган ҳолда фаолият олиб боради. Бунда аҳоли ва тадбиркорларнинг мурожаатларига қонунларда белгиланган маъмурий регламентлар асосида хизмат кўрсатилади. Айрим ташкилот ва идораларга тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш ҳолатларида қоидабузарликлар содир этилганлиги аниқланди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида 18 та ташкилотда ўрганиш ўтказилиб, 3 616 та қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани, 2 854 тасида муддат кечиктирилгани, 626 та қоидабузарлик тўғридан тўғри хизмат кўрсатиш жараёни билан боғлиқ, 33 та мурожаат асоссиз рад этилганлиги таҳлилларда баён этилди.

Уларни бартараф этиш юзасидан ваколатли идораларга 18 та тақдимномалар киритилган. Кўрилган чоралар натижасида ушбу ташкилотларнинг 5 нафар ходимларига интизомий жазо чоралари қўлланилди, 1 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди. 58 нафар жавобгар маъмурий жаримага тортилган. Жорий йилнинг 2-чораги якуни билан эса 83 та огоҳномалар киритилди.

Таъкидлаш жоиз, марказларнинг барчаси янги бинолар билан таъминланган. Жорий йил якунигача яна учта туманда янги марказ биноси фойдаланишга топширилади.

# МУЛКДОР БИЛАН БОШҚАРУВЧИ ЎРТАСИДА ШАФФОФЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Яқинда Президентимизнинг “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинганидан хабарингиз бор. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан “Кўп квартирали уй-жойларни бошқаришда нималар ўзгармоқда? Мавжуд муаммолар ечим топадими?” мавзусида ўтказилган матбуот анжумани айнан шу қарор орқали соҳада бўладиган янгиликларга бағишланди. АОКА мажлислар залида ўтказилган анжуманда ОАВ вакилларига батафсил маълумот берилди.**

Қайси соҳа бўйича қарор чиқарилмасин, унинг замирида ўша соҳани янада ривожлантириш, такомиллаштириш каби эзгу мақсадлар мужассам бўлади. Шу қаторда коммунал тизимидаги муаммолар ечимини топиш ва бу соҳага халқаро тажрибаларни қўллаган ҳолда ривожлантиришда юртбошимизнинг ушбу қарори муҳим аҳамиятга эга. Қарор биринчи навбатда кўп қаватли уй-жойларда яшовчи аҳолига кўрсатиладиган хизматларни тубдан яхшилашни назарда тутади. Унга асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўп квартирали уй-жойлар жойлашган ҳудудлар очиқ танлов ўтказиш йўли билан бошқарувчи ташкилотларга вақтинча, яъни бир йилга бириктирилади. Мазкур ҳудудлардаги маҳаллий аҳолининг кўпчилик овози билан бошқарув компанияга ўтишларига розиликлари олинади.

– Мазкур қарорда жорий ва мукаммал таъмирлаш режалари ҳам белгилаб берилмоқда, – деди вазир ўринбосари Назиржон Назиров. – Жумладан, 2022-2025 йилларда кўп квартирали уй-жойларни мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича ҳудудлар кесимида 734 040 млн сўм эвазига 6085 та уй капитал, 375 082 млн сўм ҳисобига умумий майдони 165 564 квадрат метрни ташкил этувчи 3 227 та уйнинг томи қисми, 49 603 млн сўмга эса 9985 та йўлак таъмирланиши режалаштирилган. Кўп квартирали уй-жойларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш учун республика бюджетидан 351 084 млн сўм ажратилиши белгиланган. Бу маблағлар эвазига болалар майдончасини қуриш ва таъмирлаш, ирригация тармоқларини таъмирлаш, йўлакларни бетонлаш, ташқи ёритиш тизимини таъмирлаш ва янгисига алмаштириш, умумфойдаланишдаги ҳожатхоналарни қуриш мўлжалланмоқда. Режага мувофиқ, яна 276 та уйни инструментал ўрганиш белгиланган. Республика бўйича эксплуатация муддатини ўтаб бўлган ва маънан эскирган кўп квартирали уй-жойларни инструментал ўрганиш, 268 та кўп қаватли уйни реновация қилиш ҳамда молиялаштириш учун тадбиркорлар ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари белгилаш назарда тутилган. Шунингдек, 2021 йилда 211 та уй бузиб қайта қурилади, 57 таси реконструкция қилинади.

Ушбу режаларни амалга ошириш учун асосан бюджетдан белгиланган тартибда ва миқдорда пул маблағлари ажратилади. **2021 йил 1 июлдан бошлаб ҳар бир кўп квартирали уй-жой учун мажбурий бадалларнинг ёки тўловларнинг алоҳида ҳисоби юритилади. Энди, мулкдор билан бошқарувчилар ўртасида пул тўлов тизимида шаффофлик таъминланади. Ҳар бир кўп қаватли уйларнинг мулкдори тўлаган пул маблағларининг умумий суммаси ҳақида хабардор бўлиб боради.** Барча бошқарувчилар ҳар ярим йилда мажбурий бадалларнинг тушуми ва кўп квартирали уй-жойни бошқариш бўйича харажатлар тўғрисида мулкдорларга ҳисобот беради. Энди ҳар бир мулкдор тўлаган пул маблағлари нима учун сарфланаётганлигидан хабардор бўладилар.

**2021 йил 1 октябрдан бошлаб, янги қурилган кўп квартирали уй-жой биринчи икки йилда қурувчи ташкилот (ёки у жалб қилган бошқарув ташкилот) томонидан бошқарилади ҳамда мазкур муддатга кўп квартирали уй-жой эксплуатациясининг кафолат муддати жорий қилинади.** Агар, биринчи икки йил ичида кўп квартирали уй-жойдаги қурувчидан ташқари мулкдорларнинг сони эллик фоиздан ошган тақдирда мулкдорлар томонидан белгиланган тартибда умумий йиғилишнинг қарорига мувофиқ кўп квартирали уй-жойни бошқариш усули танланиши мумкин.

**2022 йил 1 январдан бошлаб нотариал идоралар томонидан мулкдорларнинг бошқарувчи олдида қарздорлиги мавжуд бўлган тақдирда, унинг миқдори уй-жойларга бўлган мулк ҳуқуқини расмийлаштиришда тегишли шартномада акс эттирилади ва янги мулкдор ушбу қарздорлик ҳақида огоҳлантирилади. Натижада янги мулкдор билан бошқарувчи ташкилотлар ўртасида юзага келадиган низоларга барҳам берилади.**

Яна бир муҳим маълумот шуки, Ўзбекистон тарихида илк бора мажбурий бадал тўловларини тўлаш учун муҳтож оилаларга субсидия ажратилиши белгиланди. Бунда кўп квартирали уй-жойларда истиқомат қилувчи, Молия вазирлиги томонидан олиб бориладиган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мажбурий бадални тўлаб бериш учун “Темир дафтар”га киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштириш манбалари, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилади.

Қарорда, кўп квартирали уй-жойдаги умумий мол-мулклар бошқа шахсларга барча мулкдорлар томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарор асосида берилиши белгиланди. Қарор нотариал тартибда тасдиқланган тақдирда мулк ҳуқуқининг вужудга келишини ва бошқа шахсга ўтишини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади ҳамда давлат рўйхатидан ўтказишга асос бўлади. Бу янги тартиб натижасида кўп қаватли уй-жойдаги умумий мол-мулкларни ноқонуний равишда бошқа шахсларга ўтиб кетишига йўл қўйилмайди.

Янги тартибга кўра, кўп квартирали уй-жойга туташ ҳудудларда объектларни қуриш, мулкдорлар амал қилиши мажбурий бўлган умумий мол-мулкни бошқаришнинг талаб ва қоидаларини тасдиқлаш, кўп квартирали уй-жой учун қарз ва кредитларни жалб қилиш аҳоли ёки вакилларнинг 80 фоизидан кўпроғи овоз берса, қабул қилинган деб ҳисобланади.

2021 йил 1 августга қадар лойиҳа доирасида бошқарувчи ташкилотларга вақтинча бириктирилган ҳудудларда, 2022 йил 1 январга қадар эса бутун республика ҳудудларида кўп квартирали уй-жойга хизмат кўрсатиш жараёнига мулкдорларининг шахсий идентификация рақами ва уларнинг тегишли мол-мулки кадастр рақамидан фойдаланган ҳолда биллинг тизими жорий қилинади. Ушбу тизим орқали тўловлар амалга оширилади, барча уй-жой бошқарувчилар томонидан харажатлар сметаси тасдиқланади. Биллинг тизими ИИВ маълумотлар базаси, кадастр агентлигининг маълумотлар базаси, Адлия вазирлигининг маълумотлар базаси, марказий банкнинг клиринг тизими, Ягона давлат хизматларининг маълумотлар базаси тизимлари билан интеграция қилинади.





– Танланган бошқарувчи ташкилотлар шартнома асосида кўп квартирали уй-жойларни бошқариш, ҳудуддаги якка тартибда қурилган уйларга, мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларга (объектларга) коммунал ва авария вазиятларини бартараф этиш хизматларини кўрсатади, – деди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Шерзод Ҳидоятов. – Шунингдек, тегишли ҳокимлик билан тузилган шартномага асосан ҳудудни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириб, 24 соат мобайнида фаолият юритадиган диспетчерлик ва авария вазиятларини ташкил қилади. Барча давлат буюртмачилари танланган бошқарувчи ташкилот билан бириктирилган ҳудудда, истисно тариқасида танлов ўтказмасдан коммунал ва авария вазиятларини бартараф этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тўғридан-тўғри шартнома тузиши мумкин. Бошқарув ташкилотларининг бир йиллик фаолиятини кузатиб боришни йўлга қўямиз. Бунда ташкилотларнинг ўзига тегишли ҳудудларда қай даражада аҳоли билан муносабат ўрнатгани, мажбуриятларнинг бажарилиши мунтазам равишда ўрганиб борилади.

Қарорда кўрсатилган янги тартибга кўра, кўп квартирали уй-жойларга туташ ер участкалари чегаралари ва ўлчамларини белгилаш ҳамда уларга доимий фойдаланиш ҳуқуқини белгиловчи зарур ҳужжатларни, шу жумладан кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўловларни бир йил давомида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилади. Бир йилда бир марта кўп квартирали уй-жойлардаги таянч ва тўсиқ конструкциялар бутлиги хатловдан ўтказилиб, Уй-жой фонди инспекциясига маълумот киритиб борилади. Бу орқали кўп қаватли уй аҳолисининг хавфсизлиги таъминланади.

> **2022–2025 йилларда кўп квартирали уй-жойларни мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича ҳудудлар кесимида 734 040 млн сўм эвазига 6085 та уй капитал, 375 082 млн сўм ҳисобига умумий майдони 165 564 квадрат метрни ташкил этувчи 3 227 та уйнинг том қисми, 49 603 млн сўмга эса 9 985 та йўлак таъмирланиши режалаштирилган. Кўп квартирали уй-жойларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш учун республика бюджетидан 351 084 млн сўм ажратилиши белгиланган.**
>
> **Назиржон НАЗИРОВ,**
> **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг ўринбосари**

---

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5886-сонли фармони ижроси юзасидан қишлоқ жойларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун уй-жойлар қуриш мақсадида:**

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИ

## 2021 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдоларини эълон қилади № 4

**Танлов савдолари эълон қилинган сана:** 2021 йил 2 июль.

**Танлов таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:** эълон чоп этилган санадан 10 кундан сўнг.

**Кўп қаватли уй-жойларни қуришни молиялаштириш манбаси:** тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Хоразм вилояти ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини қуйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишга таклиф қилади.

